

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ИБРАГИМОВ АЪЛАМЖОН АМРИЛЛОЕВИЧ

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТИЗИМИНИ КЎП ВЕКТОРЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Ибрагимов Аъламжон Амриллович

Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимини кўп
векторли ёндашув асосида такомиллаштириш 3

Ибрагимов Аъламжон Амриллович

Совершенствование системы повышения квалификации работников
народного образования на основе многовекторного подхода 23

Ibragimov A`lamjon Amrilloevich

Improving the system of public education personnel`s professional
development on the basis of multi-vector approach 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ИБРАГИМОВ АЪЛАМЖОН АМРИЛЛОЕВИЧ

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТИЗИМИНИ КЎП ВЕКТОРЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.Phd/Ped162 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибраимов Холбой Ибрагимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Олимов Ширинбой Шарофович
педагогика фанлари доктори, профессор

Аскарлов Аббор Давлатмирзаевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-17-14, e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.А.Файзиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув шароитида педагогларнинг интеллектуал даражаларига қўйиладиган талабларнинг ортиб бориши уларнинг малакасини узлуксиз ошириш ва рефлексив кўникмаларини ривожлантиришга эътиборни кучайтиради. Таълим муаммолари бўйича бутунжаҳон Форумида қабул қилинган 2030 йилгача мўлжалланган концепцияда “...барча учун бутун ҳаёти давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш...”¹ долзарб вазифа этиб белгиланганлиги соҳани барқарор тараққий эттиришнинг устуворлигини кўрсатади. Бу, ўз навбатида, педагогларга фаолиятини онгли таҳлил қилиш, стратегик режалаштириш, индивидуал таълим траекториясини мустақил тузишга имконият яратиш асосида касбий ривожланишнинг турли моделлари ва технологияларини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

Халқаро амалиётда малака ошириш бошқаруви ва молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, инновацион жараёнларни кенгайтириш, таълим хизматларини диверсификациялаш, сифат менежментини жорий қилиш, касбий эҳтиёжларга асосланиш, индивидуал фаолиятни моделлаштириш, лойиҳалаштириш, узлуксизликни таъминловчи механизмларни ривожлантириш ҳамда кўп компонентли ёндашувларни рағбатлантиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Соҳада инновацион ва интегратив жараёнларнинг таъминланиши вариативлик, фаоллаштириш, индивидуаллаштириш, дифференциаллаштириш, уйғунлаштириш каби тамойиллар мавжудлигини, малака оширишнинг компетент, когнитив ва шахсга йўналтирилганлигини ҳамда фаолиятли, ривожлантирувчи, рефлексив характерга эга бўлишини тақозо қилади.

Республикамизда олиб борилган кенг қамровли ислохотлар натижасида халқ таълими ходимлари малакасини ошириш (ХТХМО) тизимининг моддий-техник базаси, ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик таъминоти мустаҳкамланди, педагоглар касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириш ва баҳолашнинг самарали усуллари жорий этилди. Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, тизим субъектлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ва таълим турларини уйғунлаштириш орқали ХТХМОга кўп векторли ёндашув эҳтиёжи туғилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш”² вазифаси белгиланиб, бу борада педагогларнинг касбий компетентлигини доимий ошириб боришга қулай шароитлар яратиш, малака ошириш турлари ва шакллари кенгайтириш ҳамда ўзаро

¹ Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all [Word Education Forum, 19-22 may, 2015, Incheon, Republic of Korea].

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

алоқадорлигини таъминлаш орқали кутилган натижаларга эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 26 сентябрдаги «Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3289-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги «Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1026-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар таракқиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Педагог кадрлар малакасини ошириш узлуксизлигини таъминлаш, тизимнинг назарий, педагогик, психологик, ижтимоий, иқтисодий асослари, соҳани такомиллаштириш омиллари, инновацион, жумладан, модулли ўқитиш технологияларини жорий этиш ҳамда самарали бошқарув тизимини яратиш муаммолари мамлакатимизда У.Бегимқулов, У.Иноятов, Ж.Йўлдошев, Ш.Марданов, Ш.Олимов, Н.Раҳманқулова, Р.Сафарова, Н.Тайлақов, С.Турғунов, Р.Чориев, Н.Шодиев, Ш.Қурбонов, М.Юлдашев, МДХда С.Вершловский, А.Вербицкий, З.Возгова, Ю.Кулюткин, В.Онушкин, О.Ройтблат, Е.Фрумина, хорижда П.Юцявичене, Б.Гольдшмит, М.Гольдшмит, Ж.Рассел ва бошқаларнинг изланишларида тадқиқ қилинган.

Таълим тизимида ўқитувчи ўрнининг ўзгариши, уларни касбий ривожлантириш, фаолиятини қўллаб-қувватлаш, доимий илмий-методик ёрдам кўрсатиб бориш ва фаоллигини орттиришга доир тадқиқотлар юртимизнинг М.Вахобов, Р.Джураев, Х.Ибрагимов, К.Каримов, Б.Ходжаев, Т.Шоймардонов, МДХнинг Е.Александрова, О.Газман, Э.Зеер, Е.Казакова, М.Певзнер, П.Постников, Л.Тарита, С.Фоменко ва хорижнинг А.Комбас, А.Маслоу, К.Роджерс каби олимлари томонидан амалга оширилган.

Малака ошириш тизимини индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштириш, ўқитиш шакллари, усулларини таълим эҳтиёжлари асосида белгилаш, педагогик жараёни лойиҳалаш, вариативлигини таъминлаш муаммолари республикамиздаги Ю.Асадов, А.Аскарлов, М.Жуманиёзова, А.Ибраймов, Ш.Саидқулов, Ў.Толипов, М.Уразова, МДХдаги А.Асмолов, А.Новиков, И.Осмоловская, Н.Пак, А.Тряпицина, А.Хуторской, Г.Шедровицкий, хориждаги П.Джарвис, Д.Кидд, М.Ноулз, И.Э.Унт ва бошқа педагог олимларнинг ишларида ўз аксини топган.

Педагоглар касбий маҳоратини ривожлантиришга оид кўпгина назарий манбалар мавжудлигига қарамай малака ошириш субъектлари, ресурслари, турлари ва шакллари ягона ёндашувга йўналтирилган ҳолда, тингловчиларнинг ички салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда тизим иштирокчиларининг самарали ўзаро таъсирини ҳосил қилишга доир долзарб муаммоларнинг сақланиб қолаётганлиги мазкур соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини белгиламоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти иш режасининг ПЗ-2014-0903160552-рақамли “Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнини технологик таъминлаш механизмлари” (2015-2017 й.й.) ҳамда Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2014-0925162601-рақамли “Малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ахборот хизматини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш” (2015-2017 й.й.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимини кўп векторли ёндашув асосида такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ХТХМОда соҳанинг барча субъектлари, ресурслари, турлари, шакллари ва инновацион тажрибаларнинг интеграцияси асосида узлуксиз малака ошириш кўп векторли моделининг компонентлари мазмунини аниқлаштириш;

педагогнинг касбий ривожланишида илмий-методик кузатувнинг устувор омилларини белгилаш орқали унинг дидактик имкониятларини кенгайтириш;

малака ошириш ўқув мазмунини модулли шакллантиришда унинг таркибий қисмларини белгилаш, ХТХМО субъектларининг самарали ўзаро таъсири ва функционал вазифаларини тизимлаштириш;

малака ошириш таълимининг индивидуаллаштириш даражаларини аниқлаштириш ва педагогнинг индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш жараёнларини оптималлаштириш;

ХТХМО самарадорлигини оширишга доир меъёрий-ҳуқуқий, методик ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимини кўп векторли ёндашув асосида такомиллаштириш жараёнлари.

Тадқиқотнинг предмети халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимини кўп векторли ёндашув асосида такомиллаштиришнинг мазмуни, метод ва механизмлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, суҳбат, сўровнома, эксперт баҳолаш, тест, қиёсий таҳлил, илмий умумлаштириш, моделлаштириш, математик-статистик таҳлил ҳамда тажриба-синов методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизими жараён субъектлари фаолияти, ресурслари, турлари, шакллари ва инновацион тажрибаларни интеграциялаш ҳамда кўп векторли моделнинг таркибий (мотивлаштириш ва мақсадни белгилаш, концептуал, процессуал-мазмунга доир, рефлексив-коммуникатив) компонентлари мазмунини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

педагогнинг касбий ривожланишида илмий-методик кузатувнинг дидактик имкониятлари рефлексияси, мотивацион тайёрлиги, илғор тажрибасини намойиш қилиши, ички салоҳиятини ривожлантириш ва таълим субъектлари ҳамкорлигини уюштириш омилларига устуворлик бериш орқали кенгайтирилган;

малака ошириш ўқув мазмунини касбий эҳтиёжларга асосланган модулли шакллантириш механизми инвариант ва вариатив таркибни белгилаш, тегишли субъектларнинг продуктив ўзаро таъсирини кучайтириш ва функционал вазифаларини тизимлаштириш асосида такомиллаштирилган;

педагогнинг малака ошириш фаолиятини индивидуаллаштириш даражалари (индивидуал таълим дастури, йўналиши, траекторияси) аниқлаштирилган ҳамда индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш алгоритми мантиқий занжирининг изчиллиги, узлуксизлиги, тугалланганлиги мезонлари асосида оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

ХТХМОга қўйиладиган давлат талаблари ҳамда малака ошириш ўқув мазмунини такомиллаштириш бўйича таянч таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш тартиби ишлаб чиқилган;

ХТХМО ўқув мазмунини касбий эҳтиёжлар асосида шакллантириш, инвариант, вариатив қисмларини белгилаш ва бу жараёнда субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича методик тавсиялар яратилган;

малака ошириш ўқув мазмунини шакллантиришда тингловчининг иштирокига шароит яратиш, унинг алоҳида хусусиятлари, ички салоҳияти ва рефлексиясини инобатга олиш орқали индивидуал таълим траекториясини тузиш мезонлари ишлаб чиқилган;

модулли-жамғариладиган тизим имкониятлари ва педагоглар касбий ривожланишида илмий-методик кузатув босқичлари аниқланган;

малака ошириш узлуксизлигини таъминлаш, турлари ва шаклларини интеграциялаш, мавжуд ресурслардан оптимал фойдаланиш, субъектларни фаоллаштиришга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган кўп векторли ёндашув

моделли, илмий-методик кузатув моҳиятининг ёритилганлиги, педагогнинг малака ошириш фаолиятини лойиҳалаш, индивидуаллаштириш даражалари ва индивидуал таълим траекториясини тузиш алгоритмининг белгиланганлиги, ХТХМО тизимини такомиллаштириш йўналишлари илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ХТХМОда тизимнинг барча ресурсларидан оптимал фойдаланиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, жумладан, ўқув мазмунини таълим эҳтиёжлари асосида такомиллаштириш, замонавий ўқув-методик таъминотни кучайтириш, таълим сифатини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар асосида:

малака ошириш субъектлари, ресурслари, турлари ва шакллари интеграциялаш, тингловчиларнинг фаолиятига доир муаммоларининг мустақил ечимини топиш, ички салоҳиятини ошириш, касбий ривожланишида илмий-методик кузатувни ташкил қилишга доир таклифлардан Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 1 февралдаги 34-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Умумтаълим мактаблари кимё фани ўқитувчилари касбий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш бўйича методистлар томонидан икки босқичли ҳаракатдаги ўқув машғулотларини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 24 январдаги 01-21-сон маълумотномаси). Натижада курслар оралиғида ўқув машғулотларини мактабдан ажралмаган ҳолда ташкил қилиш орқали педагогларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ошириш, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда уларга доимий илмий-методик ёрдам кўрсатиш имконини берган;

ХТХМО тизими субъектларининг вазифалари, ўқув мазмунини модулли шакллантириш, унинг инвариант, вариатив қисмларини белгилаш ва инновацион тажрибаларни татбиқ қилишга қаратилган таклифлардан малака ошириш мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган Давлат талабларини (О‘зДСт 2767:2013 3523) такомиллаштиришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 24 январдаги 01-21-сон маълумотномаси). Натижада ХТХМО ўқув мазмунини модернизациялаш, инвариант, вариатив қисмларини белгилаш ва тизимни такомиллаштириш бўйича илгари сурилган фикрлар, ғоялар, қоидаларнинг модуллар мазмунига сингдирилишига имкон берган;

педагогларда индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш ва амалга ошириш, мотивларини чуқурлаштириш, ўзларини намоён қилиш, илғор тажрибаларини оммалаштириш ҳамда эришилган натижаларни жамғариб боришга қаратилган таклифларидан Халқ таълими вазирининг 2017 йил 26 январдаги 31-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Халқ таълими тизимида “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” республика танловини ўтказиш тўғрисида низом”ни тайёрлашда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 24 январдаги 01-21-сон маълумотномаси). Мазкур

таклифларнинг сингдирилиши педагогларда ўз фаолиятини онгли таҳлил қилиши, индивидуаллигини кўрсатиш, касбий ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаши ҳамда жамиятда ўз мавқеини англаши орқали касбий маҳоратини узлуксиз ошириб боришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 17 та халқаро ва республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 43 та илмий ишлар, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган нашрларда 14 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 143 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий, амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, шунингдек, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимини кўп векторли ёндашув асосида такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида глобаллашув шароитида ХТХМО тизими тараққиётининг методологик ва илмий асослари, малака оширишнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда кўп векторли ёндашувнинг имкониятлари, педагоглар касбий ривожланишида илмий-методик кузатувнинг хусусиятлари, шунингдек, модулли ўқитиш ва ўқув мазмунини такомиллаштиришнинг ўзаро алоқадорлиги ёритилган.

Изланишларимиз ҳозирги пайтда ХТХМО тизимида ўз ечимини кутаётган қуйидаги: малака ошириш мазмунида касбий эҳтиёжларни тезкор, манзилли сингдиришга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги, турли вариатив дастурларнинг амалиётда етишмаслиги; таълим дастурларини тузишда тингловчиларнинг индивидуал хусусиятлари, касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжлари четда қолаётганлиги ҳамда уларда танлаш имкониятининг яратилмаганлиги; педагогларнинг узлуксиз малака оширишга нисбатан ижобий мотивларини шакллантириш ва рағбатлантириш механизмларининг мукамал эмаслиги ҳамда улар фаолиятида асосий ҳаракатлантирувчи куч вазифасини бажармаётганлиги; малака оширишнинг барча турларидан оптимал фойдаланиш, турли ресурсларини баравар жалб этиш ва натижаларни қайд қилиб бориш технологияларининг етарлича такомиллашмаганлиги; педагогларнинг ички салоҳиятини кучайтириш,

мураккаб вазиятларда мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларини ривожлантиришга кўмаклашиш, илмий-методик кузатув даражасига кўтарилмаганлиги; малака ошириш таълим муассасаси ва методик хизмат кўрсатиш тузилмаларининг амалиётдаги “тандем”и талаб даражасидан ортда қолаётганлиги каби муаммолар кўламини белгилаш имконини берди.

Юқоридаги муаммоларнинг самарали ечимига эришиш учун ХТХМОни янги сифат босқичига олиб чиқиш, педагогларнинг алоҳида эҳтиёжлари, касбий маҳорати даражаси ва лаёқатини инобатга олувчи кўп босқичли илмий-методик кузатувни ташкил этиш, шунингдек, ўқув жараёнини ходимнинг индивидуал таълим траекториясини назарда тутувчи модулли-жамғариладиган тизим асосида юритиш, мухтасар айтганда, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимига кўп векторли ёндашув зарур.

Соҳага оид тадқиқотлар таҳлили таълим векторини бошланғич натижалар асосида мўлжалланган таълим мақсадига эришишга доир фаолият йўналиши сифатида қарашга, кўп векторли ёндашувни эса малака ошириш таълими мақсадига эришишда унинг барча субъектлари, ресурслари, турлари ва шакллари сафарбар қилган ҳолда инновацион тажрибаларни ягона ёндашувга интеграциялаш сифатида талқин этишга имкон берди. Шу нуқтаи назардан, ХТХМО тизимини такомиллаштириш векторларини педагоглар касбий ривожланишида илмий-методик кузатувни амалга ошириш, ўқув мазмунини шакллантиришнинг модулли технологияларини такомиллаштириш, таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва узлуксизлигини таъминлаш этиб белгилаш мумкин.

Педагогик тафаккурда “қўллаб-қувватлаш” ва “кузатув” тушунчалари муаллифлар томонидан турлича тавсиф этилиб, баъзиларининг талқинича улар бир хил фаолият, айримларида бир-бирини тўлдирувчи ёки фарқли хусусиятларга эгаллиги эътироф этилади. Илмий адабиётлар таҳлили, шунингдек, ўтказилган тадқиқот натижалари эса мазкур тушунчалар бир-бирини тўлдирувчи, яъни битта жараён – касбий ривожланишнинг аспекти эканлигидан дарак беради. Шу асосда педагогнинг касбий ривожланишида илмий-методик кузатувга унинг профессионал ўсиши ва компетентлигини ривожлантиришда мақбул шароитлар яратиш, таълим субъектлари ҳамкорлигини уюштиришда бошқарув технологиясига бутун, тизимли, ташкилий фаолият сифатида қаралди. Бундай қараш кузатувнинг барча компонентлари ҳамда ишлаш механизмларининг мазмуний ва процессуал бирлигини таъминловчи бутун тизим сифатида англашга имкон яратади. Кузатувни бошқарув технологияси сифатида тушуниш нафақат малака ошириш курслари давомида, балки улар оралиғида ҳам педагогларга доимий методик ёрдам кўрсатиш муаммосинининг мақбул ечимидир.

Малака ошириш таълими ўқув мазмунини шакллантиришда модулли технологиялардан фойдаланиш ўқув режасининг кўп ҳолларда тегишли тоифадаги тингловчиларнинг барчасига бирдек мўлжалланганлиги, уларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олувчи ёндашувларнинг камлиги ва мослашувчанлик даражасининг пастлиги каби долзарб муаммоларнинг ечими сифатида қаралди. Таҳлиллар натижасида малака ошириш таълимини

индивидуаллаштириш – педагогларнинг ички салоҳиятини ривожлантириш, уларнинг алоҳида хусусиятлари, эҳтиёжлари, мотивлари инобатга олинадиган, шахсий-касбий сифатларини такомиллаштиришга йўналтирилган ҳамда ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари асосида индивидуал таълим траекториясини қуришга шароит яратиладиган табақалаштирилган жараённинг тушунилиши шаклида таърифланди.

Педагогнинг касбий ривожланишида ўз таълим фаолиятини лойиҳалашнинг бир-бирини тақозо қилувчи учта даражаси ажратилди: индивидуал таълим дастури, индивидуал таълим йўналиши, индивидуал таълим траекторияси. Индивидуал таълим дастури – педагогнинг касбий эҳтиёжлари, қийинчиликлари ташхиси натижалари, қизиқишлари, мотивлари асосида мустақил тузиладиган, шахсий-касбий ривожланишига йўналтирилган, узлуксиз малака оширишининг тури ва шакллари мақбуллаштириш имконини берувчи ҳамда мустақил таълимни назарда тутувчи дастурни ифода этади. Индивидуал таълим йўналиши – педагогнинг индивидуал таълим дастурини вақт мезонлари ва босқичларига боғлиқ ҳолда ўзлаштириш изчиллигини маслаҳатчининг кузатувида амалга оширишини ҳамда ўқув жараёнининг мавжуд шароитларига мослашувчанлигини белгилайди. Индивидуал таълим траекторияси – педагогнинг таълим жараёнида шахсий салоҳиятини амалга ошириши, касбий такомиллашуви, ўз мавқеини англаши, ўзини намоён қилишига доир белгилаган, онгли ва тажрибаларига асосланган ўзига хос алоҳида ҳаракат йўлидир.

Диссертациянинг **“Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимини кўп векторли ёндашув асосида такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида ХТХМОнинг кўп векторли модели, илмий-методик кузатув технологияси, ўқув дастурларини такомиллаштириб бориш механизми, модулли-жамғариладиган тизим моҳияти ва педагогнинг индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш тузилмаси ёритилган.

Халқ таълими ходимлари малакасини узлуксиз оширишни ташкил қилиш учун уларнинг педагогик фаолиятларида аниқланган ёки тингловчининг ўзи англаган касбий қийинчиликлари, эҳтиёжлари асосида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, таълимнинг барча (формал, ноформал, информал) турларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳолларда педагогларга малака ошириш шакли, вақти, ҳажмини эркин танлаш имкониятини яратиш, касбий компетентлигини ривожлантиришга ташқи кўмак кўрсатиш, илмий-методик кузатувни ташкил қилиш, лойиҳалаш ва рефлексив кўникмаларини чуқурлаштириш амалдаги тизимни такомиллаштиришнинг асосий вазифаси бўлиб қолади.

Амалга оширилган тадқиқот натижалари халқ таълими ходимлари малакасини узлуксиз оширишнинг кўп векторли моделини яратиш ва унинг компонентларини тавсифлаш учун асосли далилларга эга бўлиш имконини берди. Модел ўзаро боғлиқ ҳамда бир-бирини тақозо қилувчи мотивлаштириш ва мақсадни белгилаш, концептуал, процессуал-мазмунга доир, рефлексив-коммуникатив компонентларни ўз таркибига олади (1-расм).

Мотивлаштириш ва мақсадни белгилаш компоненти	Мақсад: халқ таълими ходимлари малакасини оширишнинг узлуксизлиги ва натижавийлигига эришиш.
	Вазифалар: - малака оширишнинг давлат ва жамият буюртмасига ҳамда тингловчилар касбий эҳтиёжларига мослигини таъминлашга кўмаклашиш; - таълим жараёнида тингловчиларнинг индивидуал хусусиятлари ва имкониятларининг инобатга олинишига шароит яратиш; - тингловчиларнинг мустақил билим олиши, ўз-ўзини ривожлантириши ва ўз-ўзини намоён қилишига ёрдам бериш.
Концептуал компонент	Назарий ёндашувлар: шахсга йўналтирилган, андрогогик, компетенциявий, фаолиятли, коммуникатив-когнитив.
	Илмий принциплар: узлуксизлик, диверсификациялаш, индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштириш, модуллилик, вариативлик, ўзаро таъсир, рефлексивлик, илмий-методик кузатув, элективлик, интегративлик.
Процессуал- мазмунга доир компонент	Мазмунни шакллантириш: - ўқув жараёнини ташкил қилишда интерфаол ёндашувга асосланиш ва манзиллиликни таъминлаш; - ўқув мазмунини ижтимоий буюртма асосида модулли шакллантириш; - ўқув материални ўзлаштиришда лойиҳалаш технологияларидан фойдаланиш.
	Ташкилий-педагогик шарт-шароитлар: - педагогларнинг касбий ривожланишида илмий-методик кузатувни амалга ошириш; - малака ошириш ўқув мазмунини замонавий талаблар асосида модулли шакллантириш ва таълимнинг формал, ноформал, информал турларини интеграциялаш; - малака ошириш жараёнини индивидуаллаштириш ва узлуксизлигини таъминлаш.
Рефлексив- коммуникатив компонент	Назорат ва рефлексия: назорат, ўз-ўзини назорат, ўзаро назорат.
	Мезонлар: - тингловчиларда малака ошириш мотивациясининг ошиши; - тингловчиларни малака ошириш фаолиятидаги ҳаракатчанлиги; - тингловчиларда рефлексив кўникмаларининг ривожланиши.
Натижа: халқ таълими ходимлари малакасини ошириш самарадорлиги таъминланади.	

1-расм. Халқ таълими ходимлари малакасини узлуксиз оширишнинг кўп векторли модели

Кузатишлар педагог ходимларнинг барчаси ҳам мустақил равишда касбий ривожланиш йўналишларини белгилаш, фаолиятларини қайта куриш, ўзаро таъсир ва коммуникатив муносабатларга тез киришиш лаёқатларига етарлича эга эмасликларини ҳамда кўпинча иккиланиш ҳолатида бўлишларини кўрсатди. Шу сабабдан, педагогларнинг касбий эҳтиёжларини таъминлаш, муайян муаммоли вазиятларда мақбул ечимларни топишда ўз салоҳиятидан фойдаланиш, ўз-ўзини мотивлаштириш, ўз-ўзини рағбатлантириш, ўз-ўзини ривожлантириш стратегияларини белгилаши муҳимлиги аниқланди.


Шунингдек, педагогларнинг ижодий қобилиятларини фаоллаштириш, инновацион жараёнларга доир кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, мухтасар айтганда, касбий ривожланишларида илмий-методик кузатувга қулай шароитлар яратишга устуворлик даражасида аҳамият бериш зарурлиги асосланди. Илмий-методик кузатув мақсади, стратегияларини белгилашда педагогнинг шахсий-касбий эҳтиёжлари, педагогик жараёндаги турли мониторинг натижалари, давлат ва жамият буюртмаси йўналишларида ахборотларни тўплаш ҳамда таҳлил қилиш фаолиятни ташкиллаштиришнинг мақбуллиги ва натижадорлигини таъминлаши кўрсатилди. Тегишли илмий тадқиқотларни ўрганиш ҳамда тажриба-синов ишлари натижасида илмий-методик кузатувни мотивлаштириш ва ташхислаш, лойиҳалаш ва мазмунни белгилаш, фаолиятли-амалий, назорат-рефлексив босқичларда олиб бориш қўйилган мақсадга эришиш имконини бериши аниқланди (2-расм).

Жараёнда бошланғич ҳолатни аниқлаб олиш учун педагогнинг касбий маҳорат даражаси, ўз-ўзини ривожлантиришга эҳтиёжи ёки мотиви, инновацион фаолиятга тайёрлиги ва педагогик муаммолари ташхисланади. Изланишлар натижасида, педагогнинг касбий эҳтиёж ва қийинчиликларини соҳалар (умумпедагогик, илмий-назарий, методик, психологик-педагогик, коммуникатив); даражалар (юқори, хавфли, мумкин, мақбул); босқичлар (дастлабки, иккинчи, учинчи, якуний); ҳолатлар (соҳалар, уларнинг таркибий мазмуни, кўрсаткичлар) бўйича туркумлаш илмий-методик кузатувнинг мақсади, вазифалари, ташкил қилиш ҳамда назорат шаклларини тўғри белгилаш имконини бериши асосланди.

Илмий-методик кузатувни амалга ошириш учун касбий эҳтиёжлар асосида турли тадбирлардан иборат коррекцияловчи методик майдон яратилди. Бу жараён ўзида мавжуд мураккаб вазиятлар ечимини мустақил излаш, ўзаро таъсир муҳитини шакллантириш, етишмаётган ёки зарурий ахборотларни таъминловчи ресурсларни топиш, муваффақиятлар ва камчиликларни ўзи таҳлил қилиши, илғор тажрибаларини намоён этишида керакли шароитларни сифатли ташкиллаштиришни ифодалайди. Шунингдек, жараёнда консултатив фаолиятга асосий эътибор қаратилди ҳамда уни яқка тартибдаги ва гуруҳли векторларда ташкил этишнинг хусусиятлари, афзалликлари, шарт-шароитлари, шакллари ёритилди.

ХТХМОни ташкил қилишда иш муддати, вақт меъёри, аниқ вазифалар, қутилган натижанинг мавжудлиги; педагогнинг касбий хулқи, ҳаракатларини баҳолашни белгиловчи ўрганиш жараёни; бўшлиқларини аниқлаш ва уларни

тўлдириш ресурсларини топиш юзасидан касбий рефлексияга йўналтирилганлиги илмий-методик кузатувнинг истиқболли эканлигини билдиради. Демак, илмий-методик кузатув малака оширишнинг инновацион шакли сифатида жамиятнинг педагоглар касбий компетентлилигига қўядиган талаблари ҳамда уларнинг таълимий эҳтиёжларини таъминлаш, мотивларини чуқурлаштириш, фаолиятига доир зиддиятларини ташхислаш, индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш, ўзларини намоён қилишларига қулай шароитлар яратиш, муайян муаммоли вазиятларда мустақил қарор қабул қилиш ва ўз-ўзини ривожлантиришларига кўмак бериш, асосийси, жараённинг узлуксизлигига эришишни таъминлайди.



2-расм. Педагоглар касбий ривожланишида илмий-методик кузатув мазмуни

Тадқиқотда ХТХМО тизимини такомиллаштиришда модулли-жамғариладиган малака ошириш технологиясини жорий қилиш имкониятлари очиб берилди. Модулли-жамғариладиган тизим деганда педагог ходимлар малакаси тегишли ўқув дастурларини ўзлаштириш натижаларини жамғаришни назарда тутувчи узоқ муддатли ва узлуксиз оширилиш жараёни тушунилади. Унда педагогларга касбий қийинчиликлари, эҳтиёжлари, қизиқишларига мос ҳолда дастурлар, модуллар мазмунини, шунингдек, қулай муддат, жой, ўқитиш шакллари танлаш имкониятининг берилиши уларда индивидуал таълим траекториясини тузиш ва ўзлаштириш кетма-кетлигини эркин белгилаш учун шароит яратади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, шахс ҳаётининг турли даврларида ўқишнинг шакл, усул, воситаларини танлаш имкониятига эга бўлиши психологик ва физиологик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Бу омил, ўз навбатида, ХТХМО жараёнига ижобий ва ривожлантирувчи таъсир кўрсатади.

Малака ошириш таълим дастури инвариант ва вариатив модуллар блокларидан иборат бўлиши унинг мукамаллигига эришиш имконини беради. Инвариант модуллар блоки мазмуни барча тоифадаги малака ошириш курслари учун мўлжалланган бўлиб, педагогларнинг умумий тайёргарлиги, касбига қўйилган талабларга мувофиқлиги, тизимга қўйилаётган вазифалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жараёнга татбиқ этилаётган инновацион технологиялар ҳамда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар асосида шакллантирилади. Шу ўринда, педагог нафақат таълим берувчи, балки ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг фаол иштирокчиси эканлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз зарур. Вариатив модуллар блоки индивидуал характерга эга бўлиб, педагогнинг касбий эҳтиёжларини тўлароқ қамраб олиш, тезкор таъминлаш, ўқитадиган фанига доир билим, кўникма, малакаларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳамда муваффақиятли фаолият олиб бориши ёки касбий таълимни давом эттиришга йўналтирилади.


Жаҳон амалиётида таълим муассасаларида алоҳида ҳолда модулли ўқитиш технологияларини татбиқ қилиш кутилган натижаларни бера олмаслиги кузатилган. Шу нуқтаи назардан, мазкур вазифанинг ечими сифатида ХТХМО жараёнига модулли ўқитишни жорий қилишда ўқув мазмунини шакллантириш бўйича таянч таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш лозимлиги кўрсатилди. Бу хулосалар малака ошириш ўқув мазмунини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишда тегишли субъектларнинг вазифаларини белгилашга асос бўлди. ХТХМО субъектларининг (педагог, таълим муассасаси, таълимни бошқарув ҳудудий органлари, малака ошириш таълим муассасалари, вазирлик) вазифаларини тизимлаштириш, уларнинг доимий, қайта алоқада бўлишлари, эҳтиёжлар, ўзгаришларга сезгирлик ҳамда тезкор ечимни топишга йўналганлиги ўқув мазмунининг самарадорлигини таъминлаши асосланди.

Модулли-жамғариладиган малака ошириш таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштиришга имкон берувчи ҳамда касбий эҳтиёжларни манзилли қаноатлантириш механизмларидан бири

бўлиши мумкин. Шунга мувофиқ ХТХМОнинг модулли-жамғариладиган тизими тингловчилар томонидан танланадиган инвариант, вариатив ўқув модулларини индивидуал таълим траекториясида белгиланган муайян муддат ва шаклларда ўзлаштириш натижаларининг йиғиндисини ташкил қилади.

Педагогнинг индивидуал таълим траекториясини тузилмавий жиҳатдан мазмунга доир, коррекцион-таҳлилий ва ташкилий компонентларга ажратиш мумкин. Индивидуал таълим траекториясининг мазмунга доир компоненти малака ошириш мазмунини белгилайди. Коррекцион-таҳлилий компонент педагогнинг касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжлари ташхиси, рефлексия, фаолияти давомдаги доимий таҳлил натижаларига кўра индивидуал таълим траекториясига ўзгартиришлар киритишни ифодалайди ҳамда ташкилий компонентни мослаштиришга йўналтирилади. Ташкилий компонент белгиланган ўқув мазмунини ўзлаштиришнинг методик, технологик усуллари йиғиндисини, педагогнинг таълим фаолияти шакли, воситалари ва қўллаб-қувватловчи омилар каби методик тизимни ифодалайди.

Педагогнинг индивидуал таълим траекториясини тузиш алгоритмининг ташхис, мақсадни аниқлаштириш, мазмунни шакллантириш, йўналишни белгилаш, амалга ошириш, таҳлил ва рефлексив баҳолаш босқичларидан иборат бўлиши ушбу жараёнда мантикий занжирнинг изчиллиги, узлуксизлиги ва тугалланганлигини билдиради (3-расм).



3-расм. Педагогнинг индивидуал таълим траекториясини тузиш ва амалга ошириш алгоритми

Ташхис босқичида педагогнинг бошланғич ҳолати, яъни айти вақтдаги касбий маҳорати даражаси, касбий қийинчиликлари, эҳтиёжлари, қизиқишлари, субъектив позицияси, интеллектуал-ижодий фаолиятининг индивидуал услуби ва ўзига хос хусусиятлари комплекс касбий ташхис асосида аниқланади. Мақсадни аниқлаштириш босқичида ўтказилган ташхис натижаларига кўра, малака ошириш мақсади (малака ошириш мақсадининг индивидуал танлови) ва кутиладиган натижалар белгиланади. Мақсад нафақат педагогнинг касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжларини, балки ташқи талаблар мутаносиблигини ҳам назарда тутаяди. Мазмунни шакллантириш босқичида мавжуд ресурслар мослаштирилади. Аввал малака ошириш ўқув режаларининг инвариант қисми, кейин эса маслаҳатчи билан биргаликда

дастурнинг вариатив қисми шакллантирилади. Бу қисм ўқув режасида кўрсатилган модуллар, турли методик тадбирлардаги иштироки, лойиҳалар тайёрлаш (ёки илғор тажриба), уларни татбиқ қилиш, мустақил таълим ва педагогик фаолиятга доир ишлардан иборат бўлиши мумкин. Лойиҳаланган мазмун мақсадга эришиш учун эгалланадиган компетенцияларни тўлиқ қамраб олиши зарур. Йўналишни белгилаш босқичида педагогнинг малака ошириш таълими иштирокчилари билан ўзаро таъсир механизми ва ҳаракат йўналишлари аниқланади. Унда педагог маслаҳатчи билан ҳамкорликда малака ошириш шакллари, вақт мезонлари, ҳисобот, таҳлил ва назорат турларини белгилайди. Амалга ошириш боқичида белгиланган йўналиш маслаҳатчининг илмий-методик кузатувида ва шахсий тажрибаларига таянган ҳолда олиб борилади. Бу босқич мураккаб бўлиб, педагогнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришишида саботлилиги ва масъулиятни зиммасига ола билишини ифодалайди. Педагогнинг маҳорати фаолиятини мақсадли юритиш, самарали амалга ошириш воситаларини қидириш, ҳаракатларини таҳлил қилиш мезонларини белгилай олиши, таҳрирлаши, баҳолаши ва аниқ муддатлар билан ишлаш қобилиятида кўринади. Зарур ҳолларда, қўшимча мутахассислар жалб қилинади ёки маслаҳатлашилади. Таҳлил ва рефлексив баҳолаш босқичи якуний бўлиб, унда жараёндаги фаолиятнинг таълимий маҳсулотлари намоён қилинади, натижалар таҳлил қилинади ҳамда белгиланган мақсадларга солиштирилади. Рефлексия индивидуал суҳбат, ўз-ўзини баҳолаш, таҳлил қилиш, ўзаро баҳолаш, назорат, ўзгаришларни таққослаш, рефлексив эссе шаклларида ташкил этилади.

Тадқиқотда индивидуал таълим траекториясини лойиҳалашда малака ошириш йўл харитаси технологиясидан фойдаланиш педагог фаолиятини инновацион режалаштириш, шаффофлаштириш, натижаларга эришишда шахсий танлови ва масъулиятини белгилаш имконини бериши ёритилди. Малака ошириш йўл харитаси – педагогнинг аниқ мақсадга йўналтирилган, шахсий масъулиятига асосланган, касбий ривожланишининг энг муҳим аспектларига эътибор қаратиладиган, малака ошириш тури, шакли, воситаларини эркин танлаш, ишлаб чиқиш, рўёбга чиқариш ҳамда кутилган натижаларга эришишининг манзилли, лойиҳалашган индивидуал таълим траекториясидир. Малака ошириш йўл харитаси технологияси мослашувчанликни назарда тутиб, педагогнинг визуал индивидуал таълим траекториясини мавжуд ва маъқул бўлган йўллар, шакл, метод, воситалар асосида маслаҳатчининг илмий-методик кузатувида мустақил тузиш, касбий компетенцияларини ривожлантириш, чуқурлаштириш ҳамда лойиҳаланган индивидуал таълим йўналишини белгиланган муддатларда бажаришини ифодалайди.

Шу билан бирга, педагогнинг индивидуал таълим траекториясини амалга оширишнинг самарали ечими сифатида модулли-жамғариладиган тизим хизмат қилиши ва уни эришилган натижалар портфолиоси орқали бошқариш имкониятлари очиб берилди. Портфолио технологияси педагогнинг индивидуал таълим траекториясини бажаришдаги фаолияти маҳсулини аниқлаш, жамғариш, тартиблаштириш ва намоёиш этиш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, педагогнинг индивидуал таълим траекторияси ХТХМО жараёнига кўп векторли ёндашувни амалиётда татбиқ қилишнинг мақбул механизми сифатида намоён бўлади.

